

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА НАРСА ВА ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ПРОЦЕССУАЛ ЖИХАТЛАРИ

Сайфуллаев Ўлмасжон Шавкат ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси,

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7569264>

Аннотация: Мақолада муаллиф томонидан ишни судга юритишда нарса ва ҳужжатларни тақдим қилишнинг процессуал жиҳатдан қонунчиликдаги тартибга солинишига оид айрим масалалари кўриб чиқилган. Мақолада нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш тергов ҳаракатини қонунчиликда тартибга солинишидаги камчиликлар таҳлил этилган. Бу борада хорижий давлатлар қонунчилиги, олимлар ва мутахассисларнинг фикри ўрганилиб, нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш тергов ҳаракатини тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: нарса ва ҳужжатларни тақдим этиш, ишни судга қадар юритиш, процессуал тартиб, тергов ҳаракати, расмийлаштириш.

Биз биламизки, жиноят процесси бир қанча босқичларни ўз ичига қамраб олади. Шу жумладан, ишни судга қадар юритиш босқичи ҳам жиноят процессининг бир босқичи бўлиб, у ўз навбатида терговга қадар текширув ҳамда тергов босқичларига бўлинади. Албатта бу босқичлар бир бирининг мантиқий давомидир. Биз фақатгина мана шу босқич давомида нарса ва ҳужжатларни тақдим этишга оид Жиноят-процессуал кодексда (кейинги ўринларда ЖПК) белгиланган процессуал тартибга оид мавжуд бўлган айрим қоидаларга тўхталиб ўтмоқчимиз, чунки бу тартиб исбот қилишда ва жиноят ишини қонуний, асосли ҳамда адолатли ҳал қилишда муҳим аҳамиятга касб этади.

Нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартибига оид Жиноят-процессуал кодексда алоҳида қоидалар назарда тутилмаган. Бироқ тақдим қилиш билан боғлиқ умумий қоидалардан, криминалистика фани хулосаларидан ҳамда суд-тергов амалиёти тажрибаларидан келиб чиқиб, нарса ва ҳужжатларни тақдим қилишнинг процессуал тартибини белгилаб олишимиз мумкин.

Фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз фикрларига кўра иш учун аҳамиятга молик бўлган нарсаларни суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тақдим қилинган нарсани ушбу Кодекснинг 136, 137, 139 ва 140-моддаларида баён қилинган қоидаларга асосан кўздан кечириши, агар тақдим қилинган нарсани иш учун аҳамиятли деб топса ёки келгусида аҳамияти бўлиши мумкин деб ҳисобласа, уни қабул қилиши шарт. Шунингдек ушбу иш учун аҳамиятли бўлмаган, лекин муомаладан чиқарилган нарсалар (қуроллар, гиёвандлик воситалари, порнография нашрлари ва бошқалар) ҳам қабул қилиб олиниши лозим.

Иш учун аҳамиятли бўлмаган ва муомаладан чиқарилмаган нарсалар тақдим қилинган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи ёки суд уларни кўздан кечириб бўлганидан кейин эгаларига дарҳол қайтариб беради.[1]

Кўп сонли нарсаларни олиб қўйиш ёки тақдим қилишда улар тўғрисидаги барча маълумотларни баённомада акс эттириш имконияти бўлмаса, мажбурий тарзда уларнинг рўйхати тузилиб, баённомага илова қилинади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Баённомада ёки унга илова қилинаётган рўйхатда олиб қўйилган, тақдим қилинган ҳужжатларнинг тури ва реквизитлари, нарсаларнинг тури, миқдори, типи, маркаси, модели, калибри, серияси, рақами ва бошқа идентификацион (ўзига хос) хусусиятлари тўғрисидаги аниқ маълумотлар кўрсатилади. Агар олиб қўйилаётган ёки тақдим қилинаётган нарсалар рўйхатини, уларнинг миқдори кўплиги сабабли, шу жойнинг ўзидаёқ тузиш имконияти бўлмаса, улар ўрамга солиниб муҳрланади ва нарсалари олиб қўйилган ёки қабул қилинган шахс, холислар, суриштирувчи, терговчи, судья томонидан ёзувлар ва имзолар билан тасдиқланган ёрлиқлар билан таъминланади. Бундай ҳолатларда, олиб қўйилаётган, тақдим этилаётган нарсаларнинг рўйхати суриштирув, тергов ўтказилаётган жойда холислар иштирокида тузилади ва бу ҳақда баённомада нарсалар солинган ўрамдаги муҳрлар ва имзолар бутунлиги кўрсатилади.[2]

Ҳар бир олиб қўйилган, тақдим этилган нарса холисларга ва тергов ёки суд ҳаракатининг амалга оширилишида иштирок этаётган шахсларга кўрсатилади, унинг шикастланишига йўл қўймайдиган ва ундаги изларнинг (микроизлар) бутунлигини таъминлайдиган ўрамга жойлаштирилади (фуқаровий даъвои таъминлаш учун ёки гаров тариқасида тақдим этилаётган пул ёки бошқа мол-мулк, катта ҳажмли нарсалар, катта оғирликдаги ёки ҳажмдаги моддалардан ташқари) ва нарсаси олиб қўйилган ёхуд қабул қилинган шахс, холислар, терговчи, судьянинг имзолари ва тасдиқловчи ёзувлари бўлган ёрлиқ билан таъминланади, тегишли орган муҳри билан муҳрланиб, бу ҳақида баённомага тегишли ёзув киритилади.

Тақдим қилинган нарса ёки ҳужжат ашёвий далил сифатида аҳамиятли бўлган ёки аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлса, суриштирувчи ёки терговчи уни тақдим этган шахсга баённомадан кўчирма нусха беради. Бу ушбу шахсларнинг мазкур нарса ва ҳужжатларни жиноят иши учун аҳамиятли ашёвий далил сифатида одил судлов манфаатлари йўлида жиноят ишини юритаётган органга топширилганлигини тасдиқловчи юридик ҳужжат ҳисобланади.[3]

Қабул қилиб олинган нарса ёки ҳужжат почта орқали келган бўлса, баённоманинг нусхаси ёки ундан олинган кўчирма нарсани ёки ҳужжатни юборган шахсга жўнатилади, почта паттаси баённомага илова қилинади. Почта орқали олинган нарса ёки ҳужжат ишга алоқадор эмас деб топилиб, уни юборувчига почта орқали қайтарилган тақдирда ҳам почта паттаси баённомага қўшиб қўйилади.[4]

Тақдим қилинган нарса ва ҳужжатни ишга қўшиб қўйиш ҳақидаги илтимосни рад қилиш тартиби ҳам белгиланган. Кўп ҳолларда ҳимоя тарафидан чақирилган гувоҳ ёки жамоат ҳимоячиси томонидан айбланувчи ёки судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштиришга хизмат қиладиган нарса ёки ҳужжатлар тақдим этилиб, ана шундай илтимосларни киритилади. Башарти, ушбу илтимосномада кўрсатилган ва тақдим қилинаётган нарса ёки ҳужжат иш учун аҳамиятга эга бўлмаса, унда тақдим этилган нарса ёки ҳужжатни ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйиш ҳақидаги илтимосини

рад қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи асослантирилган қарор, суд эса ажрим чиқариб, илтимос рад этилади.

Айни дамда ЖПК 87-моддасига мувофиқ, ҳимоячининг ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек, корхоналар муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши кераклигини ҳам этиборга олиш лозим.[5]

Хулоса ўрнида нарса ва ҳужжатни тақдим этишни ўтказиш тартиби билан боғлиқ бир қатор хусусиятларга тўхталиб, қуйидаги тақлифларимизни айтиб ўтамиз:

1) Нарса ва ҳужжатларни эгасининг ташаббусига кўра тақдим қилиниши жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам терговга қадар текширув даврида ҳам ўтказилиши мумкинлигини ЖПКнинг тегишли моддаларига ўзгартириш киритиш;

2) Нарса ва ҳужжатларни эгасининг ташаббусига кўра тақдим қилган шахсни сўроқ қилиш қоида тариқасида ЖПКга янги 201¹-моддада кўрсатиб ўтиш;

Нарса ва ҳужжатларни суриштирувчи, терговчи ва суднинг талабига кўра тақдим этишда суриштирувчи, терговчининг чиқарган қарори, суднинг эса ажримига мувофиқ амалга оширилиши лозимлигини ЖПКнинг янги 202¹-моддасида акс эттириш лозим, чунки суриштирувчи, терговчининг ЖПКнинг тегишли моддаларидаги ваколатларига мувофиқ уларнинг ёзма топшириқ ва қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир деб кўрсатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқариши мақсадга мувофиқ;

References:

1. /<https://lex.uz/acts/111460>;
2. 2010 йил 29 декабрда Адлия Вазирлигидан 2174-рақами билан рўйхатдан ўтказилган “Суриштирув, дастлабки тергов, ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол мулкни олиб қўйиш, хисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 5-банди;
3. Салоҳиддин Саҳаддинов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал кодексига шарҳлар Тошкент ш. “Янги аср авлоди” 2014 й 390-Б;
4. Муаллифлар жамоаси “Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессини” дарслик Тошкент:ЎзР ИИВ Академияси, 2012 й. 180-Б.
5. Салоҳиддин Саҳаддинов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал кодексига шарҳлар Тошкент ш. “Янги аср авлоди” 2014 й 391-Б.